**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

| | |
|---|---|
| Рўйхатга олинди: | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| № БД 5340100-3.06 | |
| 2018 йил “26” 05 | 2018 йил “14” 06 |

# АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ

## ФАН ДАСТУРИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Билим соҳаси | 300 000 | - | Ишлаб чиқариш-техник соҳа |
| Таълим соҳаси: | 340 000 | - | Архитектура ва қурилиш |
| Таълим йўналишлари: | 5340100 | - | Архитектура (турлари бўйича) |
| | 5341000 | - | Қишлоқ худудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш |

Тошкент–2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “14” 06 даги 531 – сонли буйруғининг 10- иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил 26. 05 даги 2 сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент архитектура қурилиш институтида ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

Абдуллаев Ш.Н. – ТАҚИ “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

Нозилов Д.А . – “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси профессори, архитектура доктори

Зияев А.А. – ЎзР ФА “Санъатшунослик” ИТИ катта илмий ходими, архитектура ф. номзоди

Фан дастури Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “26.04” даги “7” – сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур “Архитектура ва қурилиш” таълими соҳасидаги “Архитектура (турлари бўйича)” ва “Қишлоқ худудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш” йўналишлари бўйича “Архитектура тарихи” фани энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган даврларни қамрайди. Дастур мазкур даврлар ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни, услубий ва бадиий маҳорат таснифини, фан ривожининг шаклланиш тамойилларини ҳамда Республикамиз мустақиллиги йилларидаги ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг архитектура ва шаҳарсозлиги билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

“Архитектура тарихи” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, 2- ..,6-семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида белгиланган Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар бўлимдаги – Фалсафа, Маънавият асослари, Маданиятшунослик; Математик ва табиий илмий фанларбўлимдаги – Экология, Бионика ва декоратив дендрология; Умумкасбий фанлар бўлимдаги - Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Архитектурани лойихалаштириш асослари, Архитектуравий лойихалаш, Қурилиш конструкциялари; Ихтисослик фанлари бўлимидаги – Бино иншоатлари архитектураси, Ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш, Ўзбекистон ва МДХ архитектураси тарихи, Чет эл янги архитектураси каби фанлар билан ўзаро боғлиқ ва услубий жиҳатдан узвий.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг ўқитишдан мақсад – талабаларда санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, архитектура жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

- ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг ва бадиий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, архитектура ва санъатдаги тарихий тўғрисида,
- умумжахон санъати, қадимги Шарқ, антик дунё, Ўрта асрлар санъати, уйғониш даври санъатидан бошлаб XX асргача, айниқса асосий урғуни Ўрта Осиё санъатининг ибтидоий даврдан бошлаб истиқлол йилларигача бўлган даврдаги тарихий бадиий услублар, йўналишларни ажрата олишдан иборат.

Санъат, архитектура ва шаҳарсозликдаги муҳим тарихий босқичлар, усуллар ва услублар йўналишларини, уларнинг қайси давр, ҳудудга мансублигини, меъморий жиҳатларини, маданий мерос ва анъаналарини назарий жиҳатдан ажрата олишни талабаларга ўргатиш санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи фанининг асосий вазифасидир.

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари).

**Мавзу - 1. Курс предметига кириш.**
Санъат тур ва жанрлари. Архитектура соха ва турлари
Санъат – таърифи, тушунчаси. Санъат ва унинг келиб чиқиши, мақсади, ифода воситалари ва вазифалари. Тур ва жанрлари.
Архитектура соха ва турлари.
**Мавзу – 2. Ибтидо жамоа даври санъати.**
Ибтидоий жамоа даври санъати, унинг географик ва даврий чегараси.
Ибтидоий жамоа даври санъати ўрганиш манбалари.
Ибтидоий жамоа тузуми тараққиёти босқичлари.
**Мавзу – 3.**

**Амалий машғулотларнинг тавсия этилаётган мавзулари:**

**Массадаги Рим ордерларини бажариш.** "Тоскан" ордерини модул тизимида (массаларда) топиш. Амалий машғулотларда талабалар ордер баландлигини уч ( курси, устун, антаблимент-тўсин) қисмга бўлинишни, мудулларни аниқлаш, тоскан, дор, ион ва коринф ордерларини модулини топиш, чизиш ва керакли ёзувларни архитектуравий шрифтларда ёзиб бажариш.

**Меъморий ўлчов вазифасини бажариш.**Танланган архитектуравий шакл билан танишиш, кроклар чизиш, крок чизмаларига ўлчамлар қўйиш, чизмаларни масштабга ўтказиш, масштабда чизилган ортогонал чизмаларни планшетда жойлаштириш, ўлчов чизмаларни қаламда чизиш, устидан тушь билан юргизиб чиқиш, ўлчамларни ва баландликларни қуйиб чиқиш, керакли ёзувларни архитектуравий шрифтларда бажариш.

**Академик бўёв машқини бажариш.** Планшаетда олтита квадрат (ёки тўғри тўртбурчак) сатх ажратиш, биринчи сатхни бўёв тўқлашиб борувчи 11-13 та қисмларга бўлиб чиқиш, қолган бешта сатхда архитектуравий бўлакларни (ёки геометрик шаклларни) чизиш, соялар қуриш, биринчи сатхни бир тонда бўяш, шаклларни фонини бўяб ажратиш, иккинчи сатхни пастга қараб тўқлаштириб бўяш, учинчи ва олтинчи сатхларда шаклларни бўёв воситасида фондан ажратиш, архитектуравий шаклларни ҳажмини субўёқ воситасида ифода этиш.

**Архитектуравий лавҳани бажариш.** Лавҳа чизмасини ўрганиш, лавҳа тасвирини катталаштириб планшетга жойлаштириш, асосий чизиқларни планшетга чизиб бажариш, лавҳа бўлакларини (деталларни) чизиш, майда безакларни чизиш, сояларни белгиб чизиш, лавҳага умумий бўёв бериш, лавҳани фондан ажратиш, лавҳани умумий шаклини субўёкда ифодалаш, лавҳа катта бўлакларидантушувчи сояларни тўқлаштириб бўяш,лавҳанишаклларини субўёкда бўяб чиқариш,майда безакларни субўёкда бўяб чиқариш, керакли ёзувларни архитектуравий шрифтларда ёзиб бажариш.

**Композиция.** Композиция мавзуларини ўрганиш, эскизлар чизиш, макетлар ясаш, ғояни яратиш ва уни шакллантириш усулларини ўрганиш.

**Хажмий тизимни шакллантириш.**Уни ташкил қилувчи унсурларни ўрганиш, уларни тизимда келишдаги конструктив ва бадиий хусусиятлари, бадиий муносабатлари,хажмий тизимда фактура, материал ва рангларнинг бадиий аҳамияти.

**Ички фазовий мухитни шакллантириш**. Ёпиқ мухитни "чегараловчи" унсурлар, ёпиқ ва очик мухитларни боғлаш усуллари, чегараловчи унсурлардаги "туйнуклар" (проёмы). Ёпиқ мухитнинг композицион маркази, уни бўлиниши, уларни ўзаро турлича жойлашуви, горизонтал ва вертикал жойлашган ёпиқ мухитлар. Ички фазовий мухит , ҳажмий шакл ва теварак.

**Ички фазовий мухит , ҳажмий шакл ва теварак.** Ёпиқ мухитларнинг ўзаро уланишдаги бошқа ҳолатлар. Ички тузилишнинг ташқи шаклда акс этиши. Теварак тушунчаси. Табиий ва меъморий тевараклар. Ҳажмий ва фазовий тизимларни теварак билан боғлаш усуллари ва муносабати. (Ички мухитли кичик меъморий шакл лойиҳасини перспективаси ўрнига макетини атроф-мухит билан боғлаб бажариш).

**Меъморий ёдгорликни перспективасини қуриш.** Меъморий ёдгорликни ўрганиш, перспектива мусаввадаларини вариантларда қуриб бажариш, мақбулини танлаш, уфқ сурат текисликларини аниқлаш, керакли катталикдаги умумий ҳажмда перспектива тасвирини планшетда жойлаштириб чизиш, бўлакларини, майда деталларини чизиш, Сояларинықуриб белгилаш, иншоотга мос антураж танлаб чизиш, бўёвни умумий субўёк тамойиллари бўйича бажариш.

**Ички мухитга эга бўлмаган (усти ёпик) кичик меъморий шаклни лойиҳалаш.**Содда меъморий лойихани мавзусини белгилаш, танланган мавзу бўйича мусаввадалар бажариш, уларни ўзаро қиёслаш, мақбул вариантни мусаввадаси асосида клаузура бажариш, клаузурани баҳолаш жараёнида кўрсатилган камчиликлар устида ишлаш, чизмалар таркибини аниқлаш, ортогонал чизмаларни аниқ масштабда чизиш, перспективасини қуриш, график усул танлаб бўяш, архитектуравий шрифтларда бажариш.

**Ички мухитли кичик меъморий шакл лойиҳаси.** Минимал функцияни бажарувчи лойиҳа ўзида бир-икки ёпиқ мухити (хонаси) мавжуд бўлган кичик архитектуравий шаклдан иборат. Мавзуни белгилаш, танланган мавзу бўйича бир нечта мусаввадалар бажариш, уларни ўзаро қиёслаш, мақбул вариантни мусаввадаси асосида клаузура бажариш, клаузурани баҳолаш жараёнида кўрсатилган камчиликлар устида ишлаш, чизмалар таркибини аниқлаш, ортогонал чизмаларни аниқ масштабда чизиш, перспективасини қуриш, ички-ташқи мухит жиҳозини (қурилиш ашё) аниқлаш, график усул танлаб бўяш, архитектуравий шрифтларда ёзувларни

бажариш.

## IV. Лаборатория ишлари ва тавсиялар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўкув режада кўзда тутилмаган.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда Дор, Ион, Коринф ордерларини жадвал асосида куриб, чизадилар, архитектуравий шрифтларни ёзиб, А-3 форматда бажарадилар, мавжуд кичик шаклларни (ободонлаштириш унсурларини) ўлчаб, А-3 форматда бажарадилар, композиция мавзулари бўйича эскиз ва макетларини ясайдилар, график усулда рангли ва оқ-қорада антуражлар чизади. Бунда қуйидаги ўкув-услубий ва бошқа шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.
- дарслик ва ўкув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- услубий кўрсатмалардан;
- қўшимча адабиёт ва журналлардан;
- кўргазмали материаллардан;
- интернет тармоқларидан.

Усти ёпиқ ва очиқ муҳитли кичик меъморий шакл (савдо растаси) лойиҳаси бажарилади. Эскиз қилинади, ғоя устида ишланади, лойиҳа масштабга солинади, чизмалар қаламда чизилади, бўялади,керакли ёзувлари ёзилиб лойиҳа тугатилади.

### Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг намунавий мавзулари:

- Дор, Ион, Коринф ордерларини жадвал асосида куриб, чизиш; архитектуравий шрифтларни ёзиб, А-3 форматда бажариш;
- Мавжуд кичик шаклларни (ободонлаштириш унсурларини) ўрганиш ва ўлчаш;
- композиция мавзулари бўйича эскиз ва макетларини ясайдилар;
- Рангли ва график усулда антураж чизиш (рангли, альбом А3).
- Усти ёпиқ ва очиқ муҳитли кичик меъморий шакл (савдо растаси) лойиҳасини бажариш.

### Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий ахборот – коммуникация, илғор педагогик технология ютуқларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Талабалар билимини баҳолашда рейтинг тизими қўлланилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўкув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар


1. Architekture. Form. Space.Order. Fransis D.R. Ching.New York John Wiley&Sons.Ins.2014
2. Traditional Islamic Principles of Built Environment. Hisham Mortada.London-New York.2013
3. Ўралов А.С., Пўлатов Х. ва бошқалар. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Дарслик. Т.: 2010й.
4. Коржева Н.А. Архитектурная композиция. Т.: 2010.


### Қўшимча адабиётлар


5.Асқарова Д., Мирюсупова М. Кичик меъморий шакллар. Т.: 2007й.
6.Пўлатов Х. ва бошқалар. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Т.: 2000й.
7.Пўлатов Х. ва бошқалар. Архитектуравий композиция асослари. Т.: 2000й.
8.Ўролов А.С. Раҳимов А.Қ, Саидова Б.А. Архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари. Самарқанд: 2005й.
9.Пўлатов Х. ва бошқалар. Архитектуравий композиция асослари. Дарслик Т.: 2005й.


### Интернет сайтлари


10. www. centrasia.uz
11. www. arx.novosibdom.ru
12. www. zarnews.uz
13. www. ZiyoNET.uz